

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2018 ЙИЛ
ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ**

Тошкент – 2018

СЎЗ БОШИ

Тошкент вилояти статистик ахборотномаси Тошкент вилоятининг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Тошкент вилояти статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2018 йил январь–сентябрь ойлари яқунлари бўйича Тошкент вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари chop этилган.

Ушбу нашрда 2017 йилнинг I чорагидан бошлаб, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ–2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иқтисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ–2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ–кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,С,D,E,F секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иқтисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Секция А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги”).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯХМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 11 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхона ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Статистик ахборотномада саноат, инвестиция, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари, транспорт, ички ва ташқи савдо, меҳнат бозори ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	–	ялпи худудий маҳсулот	л.	–	Литр
%.	–	фоиз	0,0	–	катта бўлмаган микдор
млрд.	–	миллиард	м	–	Марта
млн.	–	миллион	–	–	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	–	миллион АҚШ доллари	га.	–	Гектар
кв.	–	квадрат	т.	–	Тонна
км.	–	километр	1), 2), 3)	–	изоҳнинг мавжудлиги
м.	–	метр			

МУНДАРИЖА

Номи	бет.
Асосий иқтисодий кўрсаткичлар	7-8
I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ	9-11
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби	9
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг вилоятлар ва тармоқлар бўйича тақсимланиши	10-11
II. САНОАТ	12-19
Саноат тармоғининг асосий кўрсаткичлари	12-17
Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари	18
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби	18-19
III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ	20-29
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)ларининг ҳажмлари	21-22
Деҳқончилик	23
Чорвачилик	24-27
Фермер хўжаликлари	28-29
IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ	30-36
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	31-33
Ижтимоий соҳа объектларини қурилиши	34
Қурилиш фаолияти	35-36
V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ	37-44
Фойда	38-40
Зарар	40-42
Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги	42-44
VI. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК	45-47
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари	45-47

**VII. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ
УМУМИЙ ТАВСИФИ** **48-52**

Корхона ва ташкилотлар сони	50-52
Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар	51-52

VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ **53-58**

Ташқи савдо айланмаси кўрсаткичлари	53-54
Экспорт ва импорт таркиби	55-56
Товар айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар билан ташқи савдо айланмаси	56-58

IX. ТРАНСПОРТ **59-60**

Юк ташиш	59
Йўловчи ташиш	60

X. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ **61-65**

Чакана савдо товар айланмаси кўрсаткичлари ва таркиби	61
Аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси	62
Хизматлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари	62-64
Худудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиш суръати	65

XI. ДЕМОГРАФИЯ ВА ИШ ҲАҚИ **66-73**

Доимий аҳоли сони тўғрисидаги кўрсаткичлар	66
Туғилиш	67
Ўлим	68
Никоҳлар ва ажралишлар	69-70
Миграция	71
Иш ҳақи	72-73


**Асосий иқтисодий кўрсаткичлар
2018 йил январь-сентябрь**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Ялпи ҳудудий маҳсулот	22837,1	104,4
Саноат маҳсулоти	24035,3	109,1
Истеъмол товарлари	5382,0	107,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	8093,4	102,5
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	5556,5	148,7
Қурилиш ишлари	1647,5	120,6
Юк айланмаси (млн. тн-км)	966,3	112,0
Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи-км)	12843,4	101,5
Чакана савдо айланмаси	9890,7	102,8
Хизматлар	7861,9	106,0
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл)	2703,4	114,9
Экспорт	934,3	94,8
Импорт	1769,0	129,3
Сальдо (+;-)	-834,7	x

2018 йил январь-сентябрь якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг 9,3 фоизи, саноат маҳсулотларининг 15,9 фоизи, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг 13,6 фоизи, чакана савдо айланмасининг 10,6 фоизи, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 7,8 фоизи, қурилиш ишлари ҳажмининг 4,9 фоизи, хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмининг 7,5 фоизи, экспортнинг 10,0 фоизи ва импортнинг 12,9 фоизи Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келди.

**Асосий макроиктисодий кўрсаткичларни шакллантиришда
Тошкент вилоятининг иштироки**

2018 йил январь-сентябрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



■ Республиканинг бошқа ҳудудлари ■ Тошкент вилояти